В 2009 г. в Международный день интеллектуальной собственности Всемирная организация интеллектуальной собственности концентрирует внимание на вкладе сбалансированной системы интеллектуальной собственности в стимулирование создания, распространения и применения чистых технологий; содействие экологическому дизайну, направленному на создание продуктов, которые являются благоприятными для окружающей среды с момента их создания до утилизации; зеленый брендинг, помогающий потребителям делать информированный выбор и предоставляющий компаниям конкурентные преимущества.

Сила изобретательности человека является нашей единственной надеждой на сохранение тончайшего равновесия между нами и нашей окружающей средой. Это наш величайший актив в поиске решений этой глобальной проблемы, позволяющий продвинуться от серых технологий на основе выделения парниковых газов, которые применялись в прошлом, к чистым зеленым инновациям будущего.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг Халқаро интеллектуал мулк куни муносабати билан табрик сўзи

Интеллектуал мулк ҳар бир жамият тараққиётида салмоқли ўрин тутди. Шу боисдан, мулкчиликнинг бошқа барча шакллари ва турлари қаторида интеллектуал мулк равнақи ҳамда уни ҳуқуқий муҳофаза этиш масаласига мустақил Ўзбекистонимиз шароитида давлат миқёсида катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда азал-азалдан жуда катта интеллектуал бойлик яратиб келинган. Бу жараён шу кунларда ҳам қизғин давом этмоқда. Куни кеча Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти Бош директори Фрэнсис Гаррининг ташкилотимизга юборилган Мурожаатини қўлимизга олдик. Мурожаатда таъкидланишича, “2009 йили Халқаро интеллектуал мулк кунида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти асосий эътиборни барқарор интеллектуал мулк тизимининг соф технологияларини яратиш, тарқатиш ва қўллаш, экологик дизайнга қўмаклашиш, истеъмолчиларга ахборот танловини амалга ошириш ва компанияларга рақобат афзалликларини берувчи яшил брендингни рағбатлантиришга қўшадиган ҳиссасига қаратилган”. Яъни, 2009 йилда устуворлик Яшил инновацияларга берилган.

1992 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳам мустақиллик йилларида республикамизда ва халқаро алоқалар соҳасида катта миқёсдаги самарали ишларни амалга оширишга улгурди. Ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистон Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг аъзоси, Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси (1991), Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш учун Мадрид битимида доир Баённома ва Протоколи, Патент кооперацияси тўғрисида шартнома (РСТ), Товар белгиларига оид конунлар тўғрисида шартнома (ТЛТ), Патент ҳуқуқи тўғрисида шартнома, Ўсимликлар янги навларини муҳофаза қилишга оид халқаро конвенция (UPOV), Патент тадбирлари мақсадлари учун микроорганизмларни депонентлаштиришни халқаро эътироф этиш тўғрисидаги Будапешт шартномаси, Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товар ва хизматларнинг халқаро таснифи тўғрисидаги Ницца битими, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими, Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локарно битими каби нуфузли халқаро шартномалар, битимларга қўшилди ва БИМТнинг фаол иштирокчисига айланди.

Бугунги кунга келиб, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 8 та давлатлараро, 10 та ҳуқуматлараро ва 17 та идоралараро шартнома ва битимлар тузилиб амал қилмоқда. Мазкур ҳужжатлар илмий-техникавий ишланмаларни чет элда муҳофаза қилишга ва экспортларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ёрдам беради ҳамда чет эл инвестицияларини миллий саноатимизга жалб қилишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятга молик.

1996 ва 2000 йилларда БИМТ Бош директорлари жаноб Арпад Богш ва жаноб Комил Идрис бошчилигидаги БИМТнинг Халқаро бюроси делегацияларининг расмий ташрифлари чоғида Ўзбекистоннинг давлат патент-лицензия сиёсатини ўтказишдаги халқаро нуфузи расман эътироф этилди. Жаҳоннинг давлат раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг миллий патент тизимини яратиш ва ривожлантиришдаги, илмий-технологик ва ихтирочилик фаолиятига ёрдам кўрсатишдаги буюк шахсий ҳиссаси ҳамда мамлакатимизнинг саноат мулкни

муҳофаза қилишнинг халқаро патент-ҳуқуқий тизимида фаол иштироки учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Катта олтин медали (1996) билан тақдирланганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Истиқлол йилларида Миллий патент тизими ҳуқуқий базасининг яратилгани ва унинг халқаро ташкилотлар билан уйғунликда фаолият олиб бораётганлиги инновацион тадбиркорликда илмий-техникавий янгиликларнинг тадбиқ этилишига кенг шароит яратиб бераётир. Ўзбекистонда бугунги кунда жаҳон андозалари талабларига мос келадиган интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш тизими шакллантирилган, эндиги навбат ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда қолган.

Профессионал байрамимиз 26 апрель – халқаро интеллектуал мулк куни муносабати билан мен фурсатдан фойдаланиб, заҳматкаш ва фидойи барча жамоамиз аъзоларини, шу билан бирга биз билан яқин ҳамкорлик қилаётган Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тегишли вазирлик, идора, йирик саноат корхоналари мутасаддиларини самимий табриклайман. Барчангизга сихат-саломатлик, бахтли ҳаёт, хонадонингизга кут-барака тилаб қоламан.

Ўзбекистонда бошланган катта ҳаракат – инновация ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожига, келгусида истиқболли технологиялар, ихтироларнинг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилишига, янги товарлар, хизматларнинг пайдо бўлишига шахсий ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилятингиз билан ўз ҳиссангизни қўшасиз, деб ишонч билдираман.

Поздравление директора ГПВ РУз по случаю Международного дня интеллектуальной собственности

Интеллектуальная собственность занимает значительное место в развитии каждого общества. В связи с этим вполне понятно огромное внимание, уделяемое в условиях независимого Узбекистана правительством республики наряду с другими видами и формами собственности развитию интеллектуальной собственности и вопросам ее правовой охраны.

В нашей стране издавна создавалось и накапливалось богатейшее наследие интеллектуальной собственности. И в наши дни этот процесс протекает довольно бурно. Несколько дней назад мы получили послание Генерального директора ВОИС Фрэнсиса Гарри нашему ведомству, в котором, в частности, подчеркивается следующее: «В 2009 году в Международный день интеллектуальной собственности Всемирная организация интеллектуальной собственности концентрирует внимание на вкладе сбалансированной системы интеллектуальной собственности в стимулирование создания, распространения и применения чистых технологий; содействие экологическому дизайну, направленному на создание продуктов, которые являются благоприятными для окружающей среды с момента их создания до утилизации; зеленый брендинг, помогающий потребителям делать информационный выбор и предоставляющий компаниям конкурентные преимущества». Иначе говоря, в 2009 году приоритет отдан зеленым инновациям.

Государственное патентное ведомство Республики Узбекистан, организованное в 1992 году, за годы независимости преуспело в осуществлении целого ряда широкомасштабных мероприятий в области охраны интеллектуальной собственности как в республике, так и в международном сотрудничестве. За прошедший сравнительно короткий период времени Узбекистан стал членом Всемирной организации интеллектуальной собственности (ВОИС), участником таких авторитетных международных договоров и соглашений, как Парижская конвенция по охране промышленной собственности (1991), Протокол к Мадридскому соглашению о международной регистрации знаков, Договор о патентной кооперации (РСТ), Договор о законах по товарным знакам (ТЛТ), Договор о патентном праве, Международная конвенция по охране новых сортов растений (UPOV), Будапештский договор о международном признании депонирования микроорганизмов для целей патентной процедуры, Ниццкое соглашение о Международной классификации товаров и услуг для регистрации знаков, Страсбургское соглашение о Международной патентной классификации, Локарнское соглашение о Международной классификации промышленных образцов, и стал активным участником ВОИС.

На сегодняшний день в области охраны интеллектуальной собственности заключены и действуют 8 межгосударственных, 10 межправительственных и 17 межведомственных договоров и соглашений. Эти документы имеют важное значение тем, что своей направленностью способствуют охране научно-технических разработок за рубежом и внешнеэкономической деятельности экспортеров, а также привлечению зарубежных инвестиций в национальную промышленность.

Во время официальных визитов делегаций Международного бюро ВОИС во главе с Генеральными директорами ВОИС г. Арпадом Богша (1996 г.) и Камиллом Идрисом (2000 г.) был официально

признан авторитет Узбекистана в проведении государственной патентно-лицензионной политики. Ярким свидетельством этого является награждение одним из первых среди руководителей государств мира Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова Большой золотой медалью Всемирной организации интеллектуальной собственности за большой личный вклад в создание и развитие национальной патентной системы и содействие изобретательской деятельности, а также за активное участие в международной патентно-правовой системе промышленной собственности нашей страны.

Создание за годы независимости правовой базы национальной патентной системы и ее гармоничная деятельность с другими патентными ведомствами мира создает широкие возможности в деле внедрения научно-технических достижений в инновационное предпринимательство. К настоящему времени в Узбекистане уже сформирована система правовой охраны интеллектуальной собственности, отвечающая требованиям международных стандартов. Далее стоит задача внедрения изобретений в производство.

В этот знаменательный день 26 апреля, в день нашего профессионального праздника, пользуясь случаем, я искренне и сердечно поздравляю всех членов нашего трудолюбивого и преданного своему делу коллектива, а также близко сотрудничающих с нами всех должностных лиц Академии наук, Министерства высшего среднего специального образования, соответствующих министерств и ведомств, крупных промышленных предприятий с Днем интеллектуальной собственности.

Выражаю уверенность в том, что каждый из вас своей инициативностью и организаторскими талантами внесет большой вклад в начатое и набирающее темпы в Узбекистане движение по развитию инновационной деятельности и предпринимательства, внедрению в производство перспективных технологий и изобретений, разработке новых товаров и услуг.

**Апелляция кенгашининг 2009 йил 16 мартдаги ҚАРОРИ
MGU 16554-сонли «PEPSODENT» товар белгисига берилган
Ўзбекистон Республикаси гувоҳномасининг ҳақиқийлигига қарши
Unilever N.V. (NL) компанияси томонидан топширилган апелляцияни
кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинди**

MGU 20071563 талабнома бўйича «PEPSODENT» товар белгиси MGU 16554-сон остида «STANDARD UNIVERSAL PRODUKT» МЧЖ номига 2007 йил 24 сентябрдаги устуворлик билан ТХХКнинг 21- ва 30-синф товарларига нисбатан талабнома материалларида кўрсатилган товарлар рўйхатига мувофиқ 2008 йилнинг 12 майида рўйхатдан ўтказилди. Давлат реестри маълумотларига мувофиқ ҳозирги пайтда ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги шартнома бўйича "POLYMER BUSINESS GROUP" МЧЖ 100000, Тошкент ш., М-4, 38-уй, 27-хонадон (UZ) (бундан буён матнда ҳуқуқ эгаси деб юритилади) товар белгисининг эгаси ҳисобланади.

Апелляция кенгашига 2008 йилнинг 14 ноябрида топширилган апелляцияда апелляция топширилган шахсининг баҳс юритилаётган белгига нисбатан рўйхатдан ўтказилган товарларнинг Ўзбекистон Республикасининг 7353-сонли гувоҳномаси бўйича товарлар билан бир турдалигини белгилаш тўғрисидаги қонунчилик қоидаларига риоя қилинмагани туфайли Ўзбекистон Республикасининг MGU 16554-сонли гувоҳномасини тўлиқ ҳақиқий эмас деб тан олишини тўғрисидаги илтимоси ифодаланган.

Апелляция даъволари куйидагилардан иборат:

MGU 16554-сонли гувоҳнома бўйича «PEPSODENT» товар белгиси 1998 йилнинг 11 майида 1997 йил 21 февралдаги устуворлик билан ТХХКнинг хусусан “тиш қуқунлари, пасталар”ни ўз ичига олган 03-синф товарларига нисбатан 7353-сонли гувоҳнома бўйича рўйхатдан ўтказилган «PEPSODENT» Unilever N.V. (NL) товар белгиси билан айнан ўхшашдир;

MGU 16554-сонли гувоҳнома бўйича товар белгиси юқорида кўрсатилган 21- ва 30-синф товарлари билан бир жинсдаги товарларга нисбатан рўйхатдан ўтказилган, хусусан: 21-синфда – “тиш четкалари, электр тиш четкалари”, 30-синфда – “чайнайдиған резинкалар”;

кўрсатилган 03- ва 21-синф товарларининг бир хил жинсда эканлиги тиш пастасининг рекламасида деярли ҳамма вақт тиш четкаси ҳам бўлиши билан белгиланади. Ушбу товарлар оғиз гигиенасига хизмат қилади ҳамда бир бутун сифатида идрок этилади, чунки тишларни ушбу предметларнинг бири-сиз тозалаб бўлмайди. Улар одатда дўқонларнинг битта бўлимида сотилади, мазмуни жиҳатдан ҳам бир-бирига жуда яқин – пастага бағишланган рекламани кўрганда, онгда албатта тиш четкаси ҳам намоён бўлади. Бу товарлар кўп ҳолларда бир тўпламда сотилади. Гарчи улар ҳар хил синфларга мансуб

бўлса-да, бироқ бир жинсдаги (турдаги) товарларга мансублиги аниқ, бир хил вазифани бажаради, кўп ҳолларда битта ўрамда сотилади ҳамда бир хил савдо идораларида реализация қилинади, истеъмолчилар доираси ҳам бир хил бўлиб, бир-бири билан биргаликда қўлланади. Шунинг учун мазкур товарларни айнан ўхшаш белги билан белгилаганда истеъмолчида уларнинг битта ишлаб чиқарувчига мансуб эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил бўлади;

30-синф товарлари бўйича таъкидланишича, чайнайдиған резинкалардан ташқари, 30-синфда рўйхатдан ўтказилган бошқа товарлар озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат қўшимчаларига мансуб бўлиб, улар истеъмол қилинганидан кейин, тишларда караш пайдо бўлади. Уни бартараф этиш учун тиш пастаси ва четкадан фойдаланиш талаб қилинади. Истеъмолчилар онгида чайнайдиған резинкалар ва тиш четкалари битта вазифани – овқат истеъмол қилгандан кейин пайдо бўладиган тиш карашини бартараф этиш вазифасини бажарадиған товарларга айланди. Ушбу товарлар реклама мақсадларида тез-тез такрорланадиған стоматологлар тавсияларида ҳам бир-бирини тўлдира бошлади, уларни реализация қилиш ерлари ҳам бир хил, яъни истеъмолчида ушбу товарларнинг ишлаб чиқарувчиси битта деган тасаввур осонгина ҳосил бўлиши мумкин;

анча эрта рўйхатдан ўтказилган фонетик ўхшашликдан ташқари қиёсланаётган белгилар товарларининг бир қисмида аниқ маъно ўхшашлиги кузатилади, ишлаб чиқариш соҳалари, истеъмолчилар, реализация жойлари ва вазифаларининг яқинлиги ҳисобига товарлар ўхшашлиги мавжуд бўлади.

Апелляция билан белгиланган тартибда таништирилган бахсли товар белгисининг ҳуқуқий эгаси Апелляция кенгашига тақдим этган ўз фикрларида апелляция даъволарига қўшилмавслигини баён этди ҳамда буни қуйидагича далиллар билан изоҳлади:

- тиш пастаси жинс белгисига кўра оғиз бўшлиғининг гигиенаси учун мўлжалланган кимёвий препаратларга мансубдир, тиш четкаси эса тиш ва тил юзаси, оғиз бўшлиғига механик таъсир кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, “четкалар” жинсий гуруҳига мансубдир.

Чайнайдиған резинкалар, пастилкалар, конфетлар ва дражелар қандолатчилик маҳсулотларидир;

- функционал вазифасига кўра тиш пастаси даволаш-профилактика мақсадлари учун, тиш четкаси эса тишлар орасидаги етиб бориш қийин бўлган ерларга кириб боришга мўлжалланган.

Чайнайдиған резинкалар, пастилкалар, конфетлар ва дражелар ичга қабул қилишни кўзда тутлади;

- товар ишлаб чиқарилган материал бўйича: тиш четкаси пластикдан тайёрланган, тиш пастаси ўн ва ундан ортиқ кимёвий моддалар бирикмасидан таркиб топади.

Чайнайдиған резинкалар, пастилкалар, конфетлар ва дражелар озиқ-овқат маҳсулотларидан тайёрланади;

- товарларни реализация қилиш шарт-шароитлари бўйича: тиш пастаси бошқа косметик воситалар билан биргаликда сотилади, тиш четкаси эса, тиш пастаси билан битта пештахтада эмас, савдо қоидаларига биноан тиш четкалари учун махсус мосламалар бўлган пластик тагтиргакларда, осма конструкцияларда жойлаштирилган ҳолда реализация қилинади,

Чайнайдиған резинкалар, пастилкалар, конфетлар ва дражелар қандолатчилик маҳсулотлари бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари билан битта пештахтада реализация қилинади.

Юқорида баён қилинганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, истеъмолчида ушбу товарлар битта ишлаб чиқарувчига мансублиги тўғрисида тасаввур ҳосил бўлмайди.

Ушбу товарларнинг функционал хусусиятларига кўра тиш четкасининг ишлаб чиқарувчиси тиш пастаси ишлаб чиқарувчиси билан, боз устига қандолатчилик маҳсулотларининг ишлаб чиқарувчиси билан рақобатчи бўлиши мумкин эмас ва, аксинча, чунки мазкур товарлар истеъмолчи учун бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Гап бораётган товарларнинг функционал фарқлари ҳамда улардан келиб чиқадиган ташқи кўринишдаги фарқлар, табиийки, истеъмолчи тасавурида уларнинг аралаштириб юборилишига олиб келмайди (бу тиш четкасимикин ёки тиш пастасими).

Шунинг учун истеъмолчи товарни танлашда тиш четкасини тиш четкаси билан, тиш пастасини эса тиш пастаси билан қиёслайди.

Шундай қилиб, истеъмолчи назарида товарларнинг аралашиб кетиши (тиш четкасимини ёки тиш пастасими) содир бўлмайди, демак тиш четкаси ва тиш пастасида айнан ўхшаш марканинг мавжудлиги истеъмолчи ўзига тиш четкаси зарур бўлиб қолган ҳолда чалкашиб тиш пастасини харид қилиши мумкин бўлган вазиятни келтириб чиқармайди.

Unilever N.V. компанияси томонидан тақдим этилган апелляция материалларида келтирилган реклама материаллари субъектив характерга эга бўлиб, ўз маҳсулотининг тижорий тарғиботига қаратилган ҳамда ТХХКнинг 21-синф товарлари (тиш четкалари; электр тиш четкалари; четкалар) ва 30-синф товарларининг ҳақиқий белгилари ва вазифаларини акс эттирмайди.

Юқорида баён этилганлар асосида ҳуқуқ эгаси Апелляция кенгашидан апелляциянинг тўлиқ қондирилишини рад этишни сўрайди.

Ишга оид материалларни ўрганиб чиқиб ҳамда ишни кўриб чиқишда қатнашган шахсларнинг сўзларини тинглаб, Апелляция кенгаши апелляция талабларини қисман қониқтириш мумкин деб ҳисоблайди.

Талабнома берилган белгининг муҳофазага лаёқатлилигини баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги” 2001 йил 30 август Қонуни (бундан буён Қонун деб юритиллади) ва “Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари” (2002 йил 11 ноябрда 1184-сон билан рўйхатга олинган) (бундан буён Қоидалар деб юритиллади) ҳуқуқий база вазифасини ўтади.

Қонуннинг 10-модда 13-бандига ва Қоидаларнинг 4-банди н) кичик бандига мувофиқ, илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

Агар белги белгига умуман олганда ўхшаш бўлса, алоҳида фарқларига қарамадан бошқа белги билан аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб ҳисобланади (Қоидаларнинг 104-банди).

Қоидаларнинг 106-бандига мувофиқ сўзли белгилар ўхшашлиги товушли, график ва мазмунан бўлиши мумкин.

Қоидаларнинг 114-бандига мувофиқ товарларнинг бир хил жинслилигини белгилашда истеъмолада шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган қатъий тасаввур пайдо бўлиш имконияти аниқланади. Товарларнинг бир жинслилигини белгилашда товарларнинг тури, бажарадиган вазифаси, улар тайёрланган материал тури, товарларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириши ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини боса олиши, товарларни сотиш шарти, истеъмоличилар доираси ва бошқа аломатлар.

Бахсга сабаб бўлаётган товар белгиси стандарт шрифтда лотин алифбосининг бош ҳарфлари билан бажарилган «PEPSODENT» сўзидан иборат.

Унга қарши қўйилаётган товар белгиси стандарт шрифтда лотин алифбосининг бош ҳарфлари билан бажарилган «PEPSODENT» сўзидан иборат.

Бахсга сабаб бўлаётган ҳамда унга қарши қўйилаётган товар белгиларининг қиёсий таҳлили уларнинг фонетик, визуал ва семантик ўхшашлик мезонларига кўра айнан бир хил эканини кўрсатди.

“Тиш кукунлари, пасталари” ва “тиш четкалари, электр тиш четкалари” товарларининг бир жинслилигини аниқлашда Апелляция кенгаши улар қуйидаги сабабларга кўра бир жинсли деган хулосага келди.

Апелляция матнида тўғри таъкидланганидек, кўрсатиб ўтилган товарлар “оғиз гигиенасига хизмат қилади ҳамда бир бутун сифатида идрок этилади, чунки тишларни ушбу предметларнинг бирисиз тозалаб бўлмайди”, “улар одатда дўконларнинг битта бўлимида сотилади”, яъни “тиш кукунлари, пасталари” ва “тиш четкалари, электр тиш четкалари” товарлари бир-бири билан яқин алоқадаги товарлар бўлиб, кундалик ҳаётда биргаликда қўлланади, шунингдек биргаликда сотилади. Товарларнинг вазифасига кўра (оғиз бўшлиғи гигиенаси), шунингдек бир-бири билан яқин алоқадаги товарлар сифатида сотиш шартларига кўра ўхшашлиги ушбу товарларнинг бир жинсда эканлигини эътироф этиш имконини беради. Ушбу товарлар функционал вазифасига кўра фарқланиши тўғрисидаги (тиш пастаси даволаш-профилактика мақсадлари учун, тиш четкаси эса тишлар орасидаги етиб бориш қийин бўлган ерларга кириб боришга мўлжалланган) ҳуқуқ эгасининг таъкиди ишонарли эмас, чунки у товарларнинг ҳам, бу товарларнинг ҳам умумий мақсади алоҳида кимёвий ва алоҳида механик таъсир кўрсатиш бўлмай, айнан оғиз бўшлиғининг гигиенасидан иборат, чунки бу таъсирлар ягона мақсадга эришишга – тишларни тозалашга қаратилган.

ЎЗР ДПИ экспертизасининг апелляцияга берилган такризида ҳам тиш четкаларининг ва тиш пасталари (кукунлари)нинг қўлланиш соҳаси умумий - тиш тозалашдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилади.

Апелляция топширган шахс томонидан қўшимча тақдим этилган ҳамда товарларнинг бир жинслилигини экспертиза қилиш бўйича Россия Федерациясининг тажрибасини акс эттирган ҳужжатда (Товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун топширилган талабномаларнинг экспертизасига оид айрим масалалар бўйича методик тавсиялар тўғрисидаги Роспатентнинг 1997 йил 27 мартдаги 26-сон буйруғи) қуйидаги иқтибос келтирилган:

“Талабнома берилган белги бошқа шахснинг рўйхатдан ўтказилган (ёки аввалроқ талабнома берилган) товар белгисига айнан ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида бир хил бўлса, бундай ҳолларда товарларнинг бир жинслилигини аниқлашда нафақат ушбу тавсияларнинг 3.1-бандида санаб ўтилган белгиларни, балки товар ишлаб чиқарувчиларини адаштириб юборишга олиб келиши мумкин бўлган қатор бошқа белгиларни ҳам ҳисобга олиш керак. Масалан, товарларнинг кундалик маиший ҳаётда ва сотувда биргаликда учраши белгисини (21-синф – “тиш четкалари”, 3-синф – “тиш кукунлари, пасталари”)”.

Келтирилган сўзлар Апелляция кенгашининг “тиш кукунлари, пасталари” ва “тиш четкалари, электр тиш четкалари” товарлари бир жинсдаги товарлар эканлиги тўғрисидаги хулосасини тасдиқлайди холос.

Яна шунга ҳам эътибор қаратиш лозимки, “тиш кукунлари, пасталари” ва “тиш четкалари, электр тиш четкалари” товарлари кенг истеъмол моллари бўлиб (истеъмолчилар доирасига кўра бир жинсли), одатда чакана савдо тармоқлари – дўконлар, супермаркетлар ва ҳ.к. орқали битта бўлимда реализация қилинади (сотиш шартларига кўра бир жинслилик), шунинг учун баҳсга сабаб бўлаётган ва қарши қўйилаётган товар блегиларини адаштириб юбориш ҳавфи анча баланд.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Апелляция кенгаши ТХХКнинг 03-синфига мансуб “тиш кукунлари, пасталари” ва 21-синфига мансуб “тиш четкалари, электр тиш четкалари” товарлари бир жинсли товарлар деган хулосага келди.

Апелляция топширган шахснинг ТХХКнинг 03- ва 30-синфларига киритилган товарларнинг бир жинсда экани тўғрисидаги далилларини Апелляция кенгаши ишонарсиз деб ҳисоблайди. Баҳсга сабаб бўлаётган товар белгисининг ҳуқуқий эгаси ҳамда ЎзР ДПИ экспертиза вакили асосли таъкидлаганларидек, чайнайдиган резинкалар қандолатчилик маҳсулотларига мансуб бўлиб, еб бўлмайдиган конфетларнинг бир туридир. Истеъмолчилар доирасининг ўхшашлигига қарамай, 03- ва 30-синф товарлари одатда дўконларнинг турли бўлимларида реализация қилинади – 03-синф товарлари бошқа косметик ва гигиеник воситалар билан бирга, 30-синф товарлари эса очиқ-овқат маҳсулотлари билан биргаликда. Апелляция топширган шахснинг 03- ва 30-синф товарлари бир хил вқазифани бажариши ёки уларнинг вазифаси бир-бирини изчил тўлдириши тўғрисидаги даъвоси ҳам асоссиздир, чунки 30-синф товарларининг, чайнайдиган резинкалардан ташқари, косметика ёки гигиенага бирон-бир боғлиқлик ери йўқ. Бироқ, ҳатто вазифаларнинг ўхшашлиги ҳам “тиш кукунлари, пасталари” ва “чайнайдиган резинкалар” товарларининг бир жинсли деб эътироф этилиши учун етарли асос бўла олмайди, чунки жинси, тайёрланган материали, реализация қилиш шартлари бўйича белгилар мутлақо ҳар хилдир. Ушбу товарлар бир-бири билан боғлиқ ҳам эмас, маиший ҳаётда ва савдода ҳам бир-бирига яқин турмайди. Шундай қилиб, Апелляция кенгаши “тиш кукунлари, пасталари” ва “чайнайдиган резинкалар” товарларини айнан ўхшаш белгилар билан тамғалаш истеъмолчилар онгида уларни аралаштириб юборилишига олиб келмайди деган хулосага келади.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан келиб чиқиб Апелляция кенгаши қарор қилади:

1. «PEPSODENT» товар белгисига берилган MGU 16554-сонли гувоҳноманинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилишига қарши Unilever N.V. (NL) компанияси томонидан топширилган апелляция қисман қоноатлантирилсин.

2. MGU 16554-сонли гувоҳнома бўйича «PEPSODENT» товар белгисига берилган ҳуқуқий муҳофаза қисман ҳақиқий эмас деб топилсин ҳамда унинг амал қилиши қуйидаги товарларга нисбатан саклансин:

21 – четкалар;

30 – Хушбўйлантиргичлар; хушбўйлантиргичлар (эфир мойларидан ташқари); бадьян; бисквитлар; хамирли қуймоқлар; бриошлар; булкалар; ванилин (ваниль ўрнини босувчи); ваниль (хушбўйлантирувчи модда); вафлилар; вермишель; хушбўйлантирувчи қаҳва моддалари; сал-пал ширинлантирувчи табиий моддалар; колбаса маҳсулотлари учун боғловчи моддалар; озиқ-овқат музи учун боғловчи моддалар; денгиз суви (овқат тайёрлаш учун); озиқ-овқат глюкозаси; хантал; озиқ-овқат маҳсулотлари учун қуйилтиргичлар; қаҳва ўрнини босувчилар; ўсимликлардан тайёрланган қаҳва ўрнини босувчилар; янги йил арчаларини безатиш учун қандолатчилик маҳсулотлари; ширин хамирдан асосан масаллиқли қандолатчилик маҳсулотлари; унли қандолатчилик маҳсулотлари; ерёнғок асосидаги қандолатчилик маҳсулотлари; бодом асосидаги қандолатчилик маҳсулотлари; макарон маҳсулотлари; гумма маҳсулотлари; музлатилган йогурт; какао; какао маҳсулотлари; каперслар; карамеллар; сутли бўтқалар; киш (майда тўғралган ёғ бўлакчалари солинган тоблама пироглар); озиқ-овқат клейковина-

си; конфетлар; қизилмияли конфетлар; ялпизли конфетлар; қаҳва; қаҳва хом ашёси; озиқ-овқат крахмали; крекерлар; озиқ-овқат ёрмалари; янчилган маккажўхори; ковурилган маказўхори; кулебякалар; озиқ-овқат куркумаси; кускус; унли егуликлар; угра; совитиш учун муз; табиий ёки сунъий муз; озиқ-овқат музи; обакидандонлар; гуручли оби нонлар; мальтоза; мармелад (қандолатчилик маҳсулотлари); марципанлар; қандолатчилик маҳсулотлари учун сутли ширин бўтқа (пиширилган крем); асал; она асаларининг сути (тиббий мақсадларда қўлланиладиганидан ташқари); музқаймоқ; мевали музқаймоқ; ун; мюсли; қандолатчилик мақсадлари учун ялпиз; сутли какао ичимликлари; сутли қаҳва ичимликлари; қаҳва ичимликлари; чой асосидаги ичимликлар; сутли шоколад ичимликлари; шоколадли ичимликлар; какао ичимликлари; доривор бўлмаган дамламалар; янчилган сули; тозаланган сули; мускат ёнғоғи; пастилкалар (қандолатчилик маҳсулотлари); шинни; қалампир; петифуралар; печенье; пироглар; пиццалар; помадкалар (қандолатчилик маҳсулотлари); попкорн; музқаймоқ учун кукунлар; пралине; зирavorлар; уй шароитида гўшти юмшатиш учун маҳсулотлар; дон маҳсулотлари; ун маҳсулотлари; сули асосидаги маҳсулотлар; таркибида крахмал бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари; прополис; пряниклар; дориворлар; пудинглар; тўйинтирилган ширин хамирдан тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари учун упа; равиолилар; сақичлар (тиббий мақсадларда қўлланиладиганидан ташқари); гуруч; баҳорий рулетлар (гуруч унидан тайёрланган қуймоққа ўралган хом сабзавотлар); шакар; анис уруғи; кондитер маҳсулотлари учун тўйинтирилган ширин хамир; ширинликлар; солод; озиқ-овқат маҳсулотларини консервалаш учун туз; ош тузи; сельдерей тузи; спагетти; зирavor-дориворлар; кўпиртирилган қаймоқлар учун стабилизаторлар; қоқ нон бўлакчалари; булаш учун ишлатиладиган қоқ нон кукунлари; суши; сэндовичлар; хамиртуруш таблеткалари (даволаш мақсадида қўлланиладиганидан ташқари); табуле (сабзавотлар, нўхат, ёғ ва лимон шарбатидан тайёрланган таом); такос (гўшт ва сабзавот масаллиқли оширилмаган хамирдан маккажўхори оби нони); тапиока; бодомли хамир; тортилалар (зоғора нонлар); мева-реза мевали тортлар; қандолатчилик маҳсулотлари учун тўйинтирилган ширин хамирдан тайёрланган еса бўладиган безаклар; сирка; хамир учун ферментлар; холва; нон; оширилмаган хамирдан тайёрланган нон; дон маҳсулотларидан тайёрланган пағалар; цикорий; чой; музли чой; шоколад; солод экстракти; озиқ-овқат эссенциялари (эфир эссенциялари ва эфир мойларидан ташқари).

**Решение Апелляционного совета от 16.03.2009 г.,
принятое по результатам рассмотрения апелляции компании
Unilever N.V. (NL) против действительности свидетельства
Республики Узбекистан № MGU 16554
на товарный знак «PEPSODENT»**

Регистрация товарного знака «PEPSODENT» по заявке MGU 20071563 с приоритетом от 24.09.2007 г. произведена 12 мая 2008 г. за № MGU 16554 на имя ООО «STANDART UNIVERSAL PRODUKT» в отношении товаров 21 класса и 30 класса МКТУ согласно перечню товаров, указанному в материалах заявки. Согласно данным государственного реестра в настоящее время владельцем товарного знака по договору об уступке является ООО "POLYMER BUSINESS GROUP" 100000, г. Ташкент, Ц-4, д.38, кв.27 (UZ) (далее – правообладатель).

В поступившей в Апелляционный совет апелляции №AMG 2008 017 от 14.11.2008 г. выражена просьба лица, ее подавшего, о признании свидетельства РУз № MGU 16554 недействительным полностью вследствие несоблюдения положений законодательства об установлении однородности товаров, в отношении которых зарегистрировано оспариваемое обозначение, с товарами по свидетельству РУз №7353.

Доводы апелляции сводятся к следующему:

товарный знак «PEPSODENT» по свидетельству № MGU 16554 тождествен товарному знаку «PEPSODENT» Unilever N.V. (NL) по свидетельству № 7353, зарегистрированному 11.05.1998 г. с приоритетом от 21.02.1997 г. в отношении товаров 03 класса МКТУ, в частности включающих в себя «зубные порошки, пасты»;

товарный знак «PEPSODENT» по свидетельству № MGU 16554 зарегистрирован в отношении однородных с вышеуказанными товарами товаров 21 и 30 классов, а именно в 21 классе - «щетки зубные, щетки зубные электрические», в 30 классе – «резинки жевательные»;

однородность указанных товаров 03 и 21 класса обусловлена тем, что зубная щетка практически всегда присутствует в рекламе зубной пасты. Эти товары служат для гигиены рта и воспринимаются как одно целое, так как нельзя почистить зубы без одного из этих предметов. Они практически всегда

продаются в одних отделах магазина, они плотно связаны на смысловом уровне – при просмотре рекламы пасты в подсознании всплывает и щетка. Эти товары нередко продаются в наборе. Хотя эти товары относятся к разным классам, но явно относятся к одному виду (роду) товаров, имеют одинаковое назначение, зачастую подаются в одной упаковке и реализуются в одних и тех же торговых учреждениях, имеют одинаковый круг потребителей и используются совместно друг с другом. Поэтому при обозначении указанных товаров тождественным знаком у потребителя возникает представление о принадлежности товаров одному производителю;

по товарам 30 класса отмечается, что кроме жевательных резинок, остальные товары, зарегистрированные в 30 классе, относятся к продуктам питания и пищевым добавкам, после употребления которых возникает налет на зубах. Для последующего его удаления необходимо воспользоваться зубной пастой и щеткой. В сознании потребителя жевательные резинки и зубная паста стали товаром одного назначения: удалить зубной налет после приема пищи, указанные товары явно стали дополнять друг друга и в рекомендациях стоматологов, нередко излагаемых в рекламных целях, имеют те же самые места реализации, то есть довольно легко может возникнуть ассоциация у потребителя о том, что данные товары имеют одного производителя;

помимо фонетического тождества с более ранней регистрацией, есть явное смысловое тождество части товаров сопоставляемых обозначений, имеется сходство товаров за счет близости сфер производства, потребителей, мест реализации и назначения.

Правообладатель оспариваемого товарного знака, ознакомленный в установленном порядке с апелляцией, представил в Апелляционный совет мнение на апелляцию, в котором выразил несогласие с доводами апелляции, мотивировав их следующим:

- по родовому признаку зубная паста относится к химическим препаратам для гигиены полости рта, в то время как зубные щетки предназначены для механического воздействия на поверхность зубов, полости рта и языка и относятся к родовой группе «щетки».

Жевательные резинки, пастилки, конфеты и драже являются кондитерскими изделиями;

- по функциональному назначению зубная паста предназначена для лечебно-профилактических целей, а зубная щетка - для проникновения в труднодоступные межзубные пространства.

Жевательные резинки, пастилки, конфеты и драже подразумевают использование внутрь;

- по материалу, из которого изготовлен товар: зубная щетка изготовлена из пластика. Зубная паста представляет собой смесь десяти и более химических ингредиентов.

Жевательные резинки, пастилки, конфеты и драже изготавливаются из пищевых продуктов;

- по условиям реализации товаров: зубная паста реализуется вместе с другими косметическими средствами. Зубная щетка же реализуется на пластиковых подставках-приспособлениях для зубных щеток, на вешальных конструкциях («вешалки»), а не на одной полке с зубной пастой, а по правилам торговли необходимо поставить на подставку или повесить на вешалку.

Жевательные резинки, пастилки, конфеты и драже - кондитерские изделия, реализуются на одной торговой полке с продуктами питания.

Исходя из изложенного, у потребителя не возникнут представления о принадлежности этих товаров одному производителю.

В силу функциональных особенностей этих товаров производитель зубной щетки не может быть конкурентом производителю зубной пасты, а тем более с кондитерскими изделиями, и наоборот, поскольку эти товары не являются взаимозаменяемыми для потребителя. Функциональные различия и следующие из них различия внешнего вида, естественно, не могут вызвать смешения в представлении о товаре (зубная щетка это или зубная паста) у потребителя.

Поэтому потребитель при выборе товара будет сравнивать зубную щетку с зубной щеткой, а зубную пасту с зубной пастой.

Таким образом, смешения товара в глазах потребителя (зубная паста или зубная щетка) не произойдет, и, следовательно, наличие тождественной маркировки на зубной щетке и зубной пасте не повлечет за собой ситуацию, когда потребитель вместо необходимой ему зубной пасты приобретет ненужную ему зубную щетку.

Рекламные материалы компании Unilever N.V., представленные в материалах апелляции, носят субъективный характер, направленный на коммерческую пропаганду своей продукции, и не отражают истинные свойства и предназначения товаров 21 (щетки зубные; щетки зубные электрические; щетки), 30 классов МКТУ.

На основании вышеизложенного правообладатель просит Апелляционный совет отказать в удовлетворении апелляции полностью.

Изучив материалы дела и выслушав лиц, участвующих в рассмотрении дела, Апелляционный совет счел заявленные требования подлежащими удовлетворению частично.

Правовая база для оценки охраноспособности заявленного обозначения включает Закон Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» от 30.08.2001 г. (далее – Закон) и «Правила составления, подачи и рассмотрения заявки на регистрацию товарного знака и знака обслуживания» (рег. № 1184 от 01.11.2002 г.) (далее – Правила).

В соответствии с пунктом 13 статьи 10 Закона и подпунктом н) пункта 4 Правил не регистрируются в качестве товарных знаков обозначения, тождественные или сходные до степени их смешения в частности с товарными знаками, ранее зарегистрированными или заявленными на регистрацию в Республике Узбекистан на имя другого лица, а также охраняемыми без регистрации в силу международных договоров Республики Узбекистан или обладающими более ранним приоритетом в отношении однородных товаров.

Обозначение считается сходным до степени смешения с другим обозначением, если оно ассоциируется с ним в целом, несмотря на их отдельные отличия (пункт 104 Правил).

В соответствии с пунктом 106 Правил сходство словесных обозначений может быть звуковым, графическим и смысловым.

В соответствии с пунктом 114 Правил при установлении однородности товаров определяется принципиальная возможность возникновения у потребителя представления о принадлежности этих товаров одному производителю. Для установления однородности товаров принимается во внимание род (вид) товаров, их назначение, вид материала, из которого они изготовлены, условия сбыта товаров, круг потребителей и другие признаки.

Оспариваемый товарный знак представляет собой слово «PEPSODENT», выполненное заглавными буквами латинского алфавита стандартным шрифтом.

Противопоставленный товарный знак представляет собой слово «PEPSODENT», выполненное заглавными буквами латинского алфавита стандартным шрифтом.

Сравнительный анализ оспариваемого и противопоставленного товарных знаков показал их тождество по фонетическому, визуальному и семантическому критериям сходства, что правообладателем знака не оспаривается.

При определении однородности товаров «зубные порошки, пасты» и «щетки зубные, щетки зубные электрические» Апелляционный совет пришел к выводу об их однородности по следующим причинам.

Как правомерно отмечено в тексте апелляции, указанные товары «служат для гигиены рта и воспринимаются практически как одно целое, так как нельзя почистить зубы без одного из этих предметов», они «продаются в одних отделах магазина», т.е. товары «зубные порошки, пасты» и «щетки зубные, щетки зубные электрические» являются тесно взаимосвязанными товарами и совместно используются в быту, также и продаются совместно. Указанное сходство по признакам назначения товаров (гигиена полости рта), а также их условий сбыта как тесно взаимосвязанных товаров позволяют признать однородность этих товаров. Утверждения же правообладателя, что по функциональному назначению они различны (зубная паста предназначена для лечебно-профилактических целей, а зубная щетка предназначена для проникновения в труднодоступные межзубные пространства), являются неубедительными, так как общей целью и тех и других товаров является именно гигиена полости рта, а не отдельно химическое и механическое воздействия, поскольку эти воздействия приводят в основном к достижению единственной цели – очищению зубов.

В отзыве экспертизы ГПВ РУз на апелляцию также признается, что область применения у зубных щеток и зубных паст (порошков) общая – это чистка зубов.

В дополнительно представленном лицом, подавшим апелляцию, документе (Приказ Роспатента от 27 марта 1997 г. №26 о методических рекомендациях по отдельным вопросам экспертизы заявок на регистрацию товарных знаков), отражающем опыт Российской Федерации по экспертизе однородности товаров, приведена следующая ссылка:

«В том случае, когда заявляемое обозначение тождественно зарегистрированному товарному знаку (или ранее заявленному) другого лица или сходно с ним до степени смешения, при определении однородности следует учитывать не только признаки, перечисленные в пункте 3.1. настоящих рекомендаций, но и ряд других признаков, способствующих смешению изготовителей товаров. Например, совместная встречаемость товаров в обиходе и в продаже (21 кл. - "зубные щетки", кл. 3 - "зубные порошки, пасты")».

Указанная выдержка лишь подтверждает вывод Апелляционного совета об однородности товаров «зубные порошки, пасты» и «щетки зубные, щетки зубные электрические».

Необходимо также обратить внимание на то, что «зубные порошки, пасты» и «щетки зубные, щетки зубные электрические» являются товарами широкого потребления (однородность по кругу потребителей), реализуемыми, как правило, через розничные сети – магазины, супермаркеты и т.д. в одних и тех же отделах (однородность по условиям сбыта), вследствие чего опасность смешения оспариваемого и противопоставленного товарных знаков достаточно высока.

Исходя из вышеизложенного, Апелляционный совет пришел к выводу об однородности товаров «зубные порошки, пасты» 03 класса МКТУ и «щетки зубные, щетки зубные электрические» 21 класса МКТУ.

Обоснования лица, подавшего апелляцию, относительно однородности товаров 03 и 30 классов МКТУ Апелляционный совет находит необоснованными. Как было обоснованно отмечено правообладателем оспариваемого знака, а также представителем экспертизы ГПВ РУз, жевательные резинки относятся к кондитерским изделиям, представляют собой особый вид несъедобных конфет. Несмотря на сходство по кругу потребителей товары 03 и 30 классов, как правило, реализуются в разных отделах магазинов – товары 03 класса с другими косметическими и гигиеническими средствами, в то время как товары 30 класса – вместе с продуктами питания. Необоснованным также является утверждение лица, подавшего апелляцию, что товары 03 и 30 классов имеют сходство назначений или их назначение последовательно дополняет друг друга, так как употребление товаров 30 класса не имеет какого-либо отношения к косметике или гигиене, кроме жевательных резинок. Но даже сходство назначения не может стать достаточным основанием для признания однородности товаров «зубные порошки, пасты» и «резинки жевательные», так как совершенно разными являются признаки однородности по роду, материалу, из которого изготовлены товары, условиям реализации. Эти товары также не являются взаимосвязанными, не сопутствуют друг другу в быту или продаже. Таким образом, Апелляционный совет пришел к выводу, что маркировка тождественными обозначениями товаров «зубные порошки, пасты» и «резинки жевательные» не приведет к смешению в глазах потребителя этих товаров.

Исходя из вышеизложенного, Апелляционный совет решил:

1. Частично удовлетворить апелляцию компании Unilever N.V. (NL) против действия свидетельства на товарный знак «PEPSODENT» № MGU 16554 на территории Республики Узбекистан.

2. Признать предоставление правовой охраны товарному знаку «PEPSODENT» по свидетельству № MGU 16554 недействительным частично, сохранив ее действие в отношении следующих товаров и услуг:

21 – щетки;

30 – ароматизаторы; ароматизаторы (за исключением эфирных масел); бадьян; бисквиты, блины; бриоши; булки; ванилин (заменитель ванили); ваниль (ароматическое вещество); вафли; вермишель; вещества ароматические кофейные; вещества подслащающие натуральные; вещества связующие для колбасных изделий; вещества связующие для пищевого льда; вода морская (для приготовления пищи); глюкоза пищевая; горчица; загустители для пищевых продуктов; заменители кофе; заменители кофе растительные; изделия кондитерские для украшения новогодних елок; изделия кондитерские из сладкого теста преимущественно с начинкой; изделия кондитерские мучные; изделия кондитерские на основе арахиса; изделия кондитерские на основе миндаля; изделия макаронные; изделия пирожковые; йогурт замороженный; какао; какао-продукты; каперсы; карамели; каши молочные; киш (пироги-запеканки с мелко нарезанными кусочками сала); клейковина пищевая; конфеты; конфеты лакричные; конфеты мятные; кофе; кофе-сырец; крахмал пищевой; крекеры; крупы пищевые, кукуруза молотая, кукуруза поджаренная; кулебяки; куркума пищевая; кускус; кушанья мучные; лапша; лед для охлаждения; лед натуральный или искусственный; лед пищевой; леденцы; лепешки рисовые; мальтоза, мармелад (кондитерские изделия); марципаны; масса сладкая молочная для кондитерских изделий (заварной крем); мед; молочко маточное пчелиное (за исключением используемого в медицинских целях); мороженое; мороженое фруктовое; мука; мюсли; мята для кондитерских изделий; напитки какао-молочные; напитки кофейно-молочные; напитки кофейные, напитки на основе чая; напитки шоколадно-молочные; напитки шоколадные; напитки-какао; настои нелекарственные; овес дробленый; овес очищенный; орех мускатный; пастилки (кондитерские изделия); патока; перец; петифуры; печенье; пироги; пицца; помадки (кондитерские изделия), попкорн, порошки для мороженого; пралине; приправы; продукты для размягчения мяса в домашних условиях; продукты зерновые; продукты мучные; продукты на ос-

нове овса; продукты пищевые, содержащие крахмал; прополис; пряники; пряности; пудинги; пудра для кондитерских изделий из сладкого сдобного теста; равиоли; резинки жевательные (за исключением используемой в медицинских целях); рис; рулет весенний (сырые овощи, завернутые в блин из рисовой муки); сахар; семя анисовое; сладкое сдобное тесто для кондитерских изделий; сладости; солод; соль для консервирования пищевых продуктов; соль поваренная, соль сельдерейная; спагетти; специи; стабилизаторы для взбитых сливок, сухари; сухари панировочные; суши; сэндвичи; таблетки дрожжевые (за исключением используемых в лечебных целях); табуле (блюдо из овощей, гороха, масла и лимонного сока); такос (пресная кукурузная лепешка с начинкой из мяса и овощей); тапиока; тесто миндальное; тортилы (маисовые лепешки); торты фруктово-ягодные; украшения съедобные для кондитерских изделий из сладкого сдобного теста; уксус; ферменты для теста; халва; хлеб; хлеб из пресного теста; хлопья из зерновых продуктов; цикорий; чай; чай со льдом; шоколад; экстракт солодовый, эссенции пищевые (за исключением эфирных эссенций и эфирных масел).

Апелляция кенгашининг 2009 йил 20 мартдаги ҚАРОРИ
«ATL-SAKM» ХФ номига рўйхатдан ўтказилган “Сумка” саноат намунасига
берилган SAP 00316-сонли Ўзбекистон Республикаси патентининг ҳақиқийлигига
қарши Апелляция кенгашига «ANDAZA» МЧЖ томонидан топширилган
апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинди

«ANDAZA» МЧЖ (бундан буён матн бўйича апелляция топширилган шахс деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Саноат намуналарининг илмий-техник экспертизаси ва талабнома берилган белгилар экспертизаси бўлими (бундан буён матн бўйича ЎЗР ДПИ деб юритилади) ҳамда «ATL-SAKM» ХФ (бундан буён матн бўйича ҳуқуқ эгаси деб юритилади) ўртасида юзага келган бахс предметини “Сумка” саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг SAP 00316-сонли гувоҳномасини бериш қонуний экани ташкил этади.

2008 йил 29 октябрдаги ASA 2008 016-сонли апелляция материалларига мувофиқ апелляция топширилган шахсининг ҳисоблашича, патент бериш ва маҳсулотнинг патентга лаёқатлилигига экспертиза ўтказиш пайтида Фуқаролик кодекси ҳамда “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талаблари (муҳофаза этилаётган объектнинг патентга лаёқатлилиги талабига мувофиқлиги) бузилган эди, шунинг асосида апелляцияда 2008 йил 26 августдаги устуворлик билан UZ SAP 00316-сонли саноат намунасига “ATL-SAKM” хусусий фирмасига берилган патентни тўлиқ ҳажмда ҳақиқий эмас деб эътироф этиш сўралди.

Апелляция топширилган шахс ўз талабларини асослашда қуйидаги далилларни келтиради:

- UZ SAP 00316-сонли саноат намунасига патент “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг талаблари бузилган ҳолда берилган бўлиб, бахсга сабаб бўлаётган саноат намунаси патентга лаёқатлилигининг “янгилик” шартига жавоб бермайди, чунки унинг муҳим белгилари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аёндири, бунинг исботи учун апелляцияда қуйидаги ахборот манбалари келтирилди:

Инкассатор сумкаси – 1999 йил 5 август устуворлиги билан фойдали моделга берилган РФнинг 11973-сонли гувоҳномаси (1);

Инкассатор сумкаси – 2001 йил 20 август устуворлиги билан фойдали моделга берилган RU 24077-сонли гувоҳнома (2);

Инкассатор сумкаси – СССР Давлат банки томонидан 1992 йилдан бошлаб 480-3-299-76-сонли Техник шартлар ўрнига 1976 йилги устуворлик билан амалга киритилган 480-02-20-10-92-сонли Техник шартлар (3);

қимматликларни ташиш учун сумкага СССР Алоқа вазирлигининг 1975 йилги устуворлик билан киритилган 45-193-81-сонли Техник шартлари (4);

пул сумкаси – СССР Алоқа йўллари вазирлигининг 1971 йилги устуворлик билан киритилган 32 ЦТВР-сонли Техник шартлари (5);

- товар белгисига UZ SAP 00316-сонли патент бўйича бахсга сабаб бўлаётган объектнинг барча ўзига хос ва фарқли белгилари СССР Давлат банкининг намунавий инкассатор сумкасидан ўзгаришсиз кўчириб олинган;

- СССР Давлат банки сумкаси, СССР Алоқа йўллари вазирлигининг пул сумкаси, қимматликларни ташиш учун СССР Алоқа вазирлигининг сумкаси, 1999 йил 5 август устуворлиги билан фойдали моделга берилган РФнинг 11973-сонли гувоҳномасида кўрсатилган инкассатор сумкаси ҳамда 2001 йил 20 август устуворлиги билан фойдали моделга берилган RU 24077-сонли гувоҳномада кўрсатилган инкассатор сумкаси бир хил ташқи кўринишга, бир хил конструкцияга эга бўлиб, ишлаш тамоили ҳам бир хил;

- “ATL-SAKM” ХФнинг талабномасида қиёслаш учун келтирилган аналог – швед патентига эга хатлар учун сумка маълум бўлган инкассатор сумкалари, пул сумкалари, қимматликларни ташиш учун сумкалардан бошқа вазифани бажаради, бошқа конструкцияга ва бошқача ишлаш тамоилига эга бўлиб, улар талабнома берувчи томонидан қасддан кўрсатилмаган;

- саноат намунасига UZ SAP 00316-сонли патентни олишда (у 2004 йил 30 апрелда 2002 йил 20 августдаги устуворлик билан эълон қилинган ва берилган) талабнома берувчи патент объектнинг номи сифатида “Сумка”ни кўрсатган, бунинг билан мутахассислар ЎзР ДПИнинг 2004 йил 21 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган Саноат намунасига ЎзР патентини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларининг (бундан буён матн бўйича Қоидалар деб юритилади) “ном буюмнинг фойдаланиш соҳасини кўрсатиши лозим”лиги тўғрисидаги 32-банди талабларини бажармаганларки, бу ҳам қонунчилик талабларининг бузилишига таъсир кўрсатган;

